

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“Тошкент Сув таъминот” МЧЖ ягона
таъсисчиси йигилиши томонидан
2022 йил «28» декабр даги
-сон баённома



Х.Рахматуллаев

“Тошкент сув таъминот” МЧЖнинг

2023 йил учун

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Давлат номидан акциядор
(иштирокчи, таъсисчи) функциясини
бажарувчи ташкилот номи

“Ўзсувтатъминот” АЖ

Идоравий мансублиги

“Ўзсувтатъминот” АЖ

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

СТИР

Молия- иқтисодиёт масалалари
бўйича директор ўринбосари

 Н.Куддусов

Прогнозлаштириш ва иқтисодий
таҳлил бўлими бошлиғи



З.Юлчиева

**“Тошкент сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти
ягона таъсисчиларининг 26-сонли
ҚАРОРИ**

“22” декабр 2022 йил

Тошкент шахри

Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 37-моддаси ва жамият уставига мувофиқ битта таъсисчидан таркиб топган жамиятда таъсисчиларининг умумий йигилиши ваколатлари жумласига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар жамиятининг ягона таъсисчиси томонидан якка тартибда қабул қилиниши ва ёзма равишда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Тошкент сув таъминоти” масъулияти чекланган жамиятининг ягона таъсисчиси “Ўзсувтатъминот” АЖ ҳисобланади. “Ўзсувтатъминот” АЖнинг 2020 йил 9 ноябрдаги 1-9-сонли ишончномасига асосан “Тошкент сув таъминоти” МЧЖ юқори бошқарув органи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар “Ўзсувтатъминот” АЖ Бошқарув раиси ўринбосари Раҳматуллаев Хуршид Хотамджанович томонидан қабул қилинади. Шунга кўра ушбу қарор қўйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

Жамиятнинг 2023 йил учун Бизнес режасини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала бўйича, жамият директори в.б. Н.Аминов сўзга чиқиб, қўйидагилар тўғрисида ахборот берди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6074-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Тошкент сув таъминоти” МЧЖнинг 2023 йил учун Бизнес режаси ишлаб чиқилди (*бизнес режса илова қилинади*).

“Тошкент сув таъминоти” МЧЖ Тошкент вилоятининг Тошкент, Зангиота, Янгийўл, Чиноз, Қўйичирчиқ, Оққўргон, Пискент, Бекобод, Охангарон, Ўртачирчик, Юқоричирчик, Паркент, Бўстонлиқ, Қибрай, Бўка туманлари, Чирчик, Олмалиқ, Ангрен, Янгийўл, Нурафшон, Охангарон ва Бекобод шаҳарларидағи аҳоли ва юридик ташкилотларни сифатли ичимлик ва оқова сув таъминоти хизматларини кўрсатади.

2023 йилда корхона томонидан **93,3 млн. м³** ичимлик сув хизматлари, ҳамда **55,9 млн. м³** оқова сув хизматлари кўрсатиш режалаштирилган. Шундан **72,2 млн. м³** аҳолига, **21,3 млн. м³** сув юридик ташкилотларга ичимлик сув хизматлари, **21,3 млн. м³** аҳолига, **34,6 млн. м³** юридик ташкилотларга оқова сув хизматларини кўрсатиш кўзда тутилган.

Режа тўлиқ амалга оширилганда корхона жами **235,2 млрд. сўм** даромад олиши таъминланади.

2023 йилда жами **234,6 млрд. сўм** харажатлар режалаштирилмоқда.
Шундан:

1. Ишлаб чиқариш харажатлари **195,2 млрд. сўм** (хом-ашё, ёқилғи-мойлаш, электр-энергия, иш ҳақи, амортизация, қўриқлаш хизмати ва ҳ.к.),
2. Давр харажатлари **32,7 млрд. сўм**;
3. Молиявий харажатлар **6,9 млрд. сўм**.

Режа тўлиқ амалга оширилганда корхона 2023 йилда **484,6 млн. сўм** соф фойда кўриши ва **0,1** фоиз рентабелликка эришиши таъминланади.

Шу билан бирга ишлаб чиқилган Бизнес режада қуйидаги асосий кўрсаткичлар бўйича эришилиши режалаштирилган ишлар инобатга олинган:

- 2023 йилда **20 084** та аҳоли истеъмолчилари, **546** та юридик истеъмолчилари қамраб олиниб, жами истеъмолчилар сонини **16** фоизга ошириш ёки **391 505** тага етказиш;
- **417**та бино, тик қудуқлар ва насос агрегатлари, **39,7 км** ичимлик сув ички ва **1,59 км** оқова сув тармоқларини мукаммал таъмирлаш;
- сув иншоотлари, магистиран сув қувурлари, маҳалла ва кўча бошларига **260** та замонавий сув ҳисоблагичлари ўрнатиш;
- ишлаб чиқарилган ичимлик сувининг табиий йўқотилишини **40,8** фоиздан **35,8** фоизга камайтириш;
- мавжуд **239,1 млрд. сўм** кредитор қарздорликни **14,8 млрд. сўмга** ёки **6** фоизга, **146,3 млрд. сўм** дебитор қарздорликни **14,9 млрд. сўмга** ёки **10** фоизга камайтириш;

- ичимлик сув иншоотларида **46** та заарсизлантириш ускуналарини ўрнатиш;

- чиқиндиларни жойлаштириш бўйича **1 332** та корхона ва ташкилотларга компенсация тўловлари белгиланиб, уларни ундурилиши режалаштирилган.

2023 йилга мўлжалланган Бизнес режа ишлаб чиқилишида кўрсатилган хизматлар учун тарифларни ошириш инобатга олинган.

Кун тартибидаги масала юзасидан жамият ягона таъсисчиси томонидан **қарор қабул қилинди**:

1. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган Бизнес режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият директори Н.Аминовга қуйидаги топшириқлар бўйича шахсий жавобгарлик юклатилсин:

- 2023 йил учун **235,2 млрд. сўмлик** даромадлар прогнозини бажарилиши;
- Барча турдаги истеъмолчиларга кўрсатилган ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тўловларни электрон шаклда қабул қилишни камида **80%** га етказиш;
- Ҳар чоракда бир марта истеъмолчиларни ҳатловдан ўтказиш, улар бўйича маълумотларни мунтазам равишда “**Биллинг**” базасига киритиш;
- Хорижий молия институтларидан олинган кредит тўловларни белгиланган муддатларда қоплаш ва жарима (пеня) ҳисобланисини олдини олиш;
- 2023 йил 1 январь ҳолатига мавжуд **146,3 млрд. сўмлик** дебиторлик қарздорликларни камайтириш ва муддати ўтган дебитор қарздорликлар бўйича ҳар чорак якуни бўйича суд органи орқали ҳал қилув қарорлари асосида ундирувни таъминлаш;
- Жамиятда ишловчи ходимларга ҳисобланган ойлик иш ҳақи маошларни жамоа шартномаларида белгиланган муддатларда тўлаб бориш;

- Ҳар чоракда бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича хисоботларни юқори турувчи органга юбориш;
- Ҳисобланган солиқ суммаларини муддатида тўлаш, солиқ ва молиявий натижалар бўйича хисоботларни тегишли органларга топшириш;
- Дастурлар доирасида марказлашган ва инвестиция маблағлари хисобидан куриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган ичимлик сув таъминоти ва окова сув хизматлари бўйича янги қуриладиган обьектларни белгилangan тартибда жамият балансига қабул қилиш;
- Электр энергия харажатларини бизнес режада белгилangan лимитлар доирасида сарфлаш;
- Объектларда жорий ва мукаммал таъмирлаш жараёнида олинган асосий воситаларни белгилangan тартибда моддий жавобгар шахсга топшириш;
- Сув хисоблагич ўрнатиш график-жадвали асосида **260 та** онлайн сув хисоблагичларни ўрнатиш ва ГИСга улаш;
- Маънан эскирган ва яроксиз ҳолатга келган асосий воситаларнинг келгусидаги ҳаракати жамиятнинг тасдиқланган Устави бўйича ягона таъсисчининг келишувига мувофиқ ишларни амалга оширилсин.

3. Юқоридаги топширикларга белгилangan тартибда масъул ходимлар бириктирилсин ва уларга топширикларни ижросини тўлақонли бажарилмаганлиги учун қонунчиликда белгилangan тартибда интизомий жазо ёки улар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинлиги тўғрисида ҳар бири огохлантирилсин.

4. 2023 йилга мўлжалланган Бизнес режа вазифаларининг бажарилишини назорат қилиш “Ўзсувтаъминот” АЖ Прогнозлаштириш ва иқтисодий таҳлил бошқармасига юклатилсин.

Жамият ягона таъсисчиси
“Ўзсувтаъминот” АЖ
вакили



"Тошкент сув таъминоти" МЧЖнинг 2023 йил учун мўлжалланган
 "Бизнес режа" лойихаси бўйича келишув варакаси

Бўлим номи	Имзо	Масъул ходим
Молиявий-иктисодий мувофикалаштириш департаменти бошлиги		З.Зайниддинов
Йигма ахборот тахлил бўлими бошлиги		Б.Алджанов
	2, 3, 4-жадвал	-
Ходимлар билан ишлаш ва малакасини ошириш бўлими бош мутахассиси		К.Джураев
	5, 6 - жадваллар	
Молия-иктисод департаменти		А. Раимкулов
	7, 7а, 8а, 9, 11 - жадваллар	
Сув таъминоти ва канализация хўялигининг иншоотлари ва ускуналарини эксплуатация килиш бошқармаси бош мутахассиси		Н. Байтурсунов С.Миркабилов
	10 - жадвал	
Метрология ва стандартлаштириш бюроси бош метрологи		Ф. Васиев
	12-жадвал	
Технологик транспорт ва маҳсус техникаларни эксплуатация бюроси бош механики		О.Цой
	13 - жадвал	
Энергетика-механика бюроси: мухандис-энергетик		Н.Бозоргзаде
	2, 3, 4, 14, 14A - жадваллар	
Прогнозлаштириш ва иқтисодий тахлил бошқармаси бошлиги		Б. Шойимов
	1, 15 - жадвал	
Сув таъминоти ва оқова сув хизматларини хисобга олиш ва сотиш бошқармаси бошлиги ўринбосари		С.Дадабаев
	16 - жадвал	
Акциондорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиги		З. Атабаев
	17 - жадвал	
Ичимлик ва оқова сувлар сифатини назорат килиш бўлими бошлиги		Т. Мирсаидов
	18 - жадвал	
Ишлаб чиқариш-техник бошқармаси бош мутахассиси		А. Мухиддинов
	19, 20, 21, 22- жадваллар	
Сув таъминоти ва канализация хўялигининг иншоотлари ва ускуналарини эксплуатация килиш бошқармаси бош мутахассиси		Б. Турсунов

Шарипов Н
Халикова З

Азимов Н

АЖнинг маъсул ходими
МЧЖнинг маъсул ходими

11

МУНДАРИЖА

- I. Жамият тұғрисида умумий маълумот**
 - 1.1 Жамият реквизитлари (умумий маълумотлар, Жамият паспорти);
 - 1.2 Мавжуд ишлаб чиқарыш құвватларидан фойдаланыш ҳолаты;
 - 1.3 Жамият ташкилий ва ижро әтувчи аппарати бошқаруви түзилмаси, тармоқ;
 - 1.4 Жамиятлари тұғрисида маълумот;
 - 1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, Жамият бошқаруве ва ижроия органы аъзолари тұғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;
- II. Жамиятни ислоҳ қилиши**
 - 2.1 Истикболли ривожланиши стратегияси;
 - 2.2 Ислоҳ қилиши мақсади ва босқичлари;
- III. Бозор ва маркетинг режаси**
 - 3.1 Бозор таҳлили
 - 3.2 Жамият ва үнинг шаҳар/туман филиаллари томонидан күшимча қамраб олиниши лозим бўлган абонентлар (аҳоли) графиги
 - 3.3 Жамият ва үнинг шаҳар/туман филиаллари томонидан күшимча қамраб олиниши лозим бўлган юридик ташкилотлар графиги.
 - 3.4 Жамият ва үнинг шаҳар/туман филиалларида күшимча абонентларни камраб олиш натижалари бўйича олинадиган күшимча даромадлар ҳисобидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси
 - 3.5 Жамиятга қарашили сув иншоотлари ва насос ускуналари тұғрисида маълумот
 - 3.6 Жамият сув иншоотлари ва насос ускуналарини ялпи хатловдан ўтказии ва кадастр ҳужесжатларини расмийлаштириши графиги
- IV. Молиявий режа**
- V. Жамият тасарруфидаги сув иншоотларининг сув ўлчов приборлари билан таъминланганилиги**
- VI. Ишлаб чиқариладиган ичимлик суви ва оқава хизматлари учун сарфланадиган электр энергия харажатларини режаси**
 6. 1 Жамият сув иншоотлари ва насос ускуналарини ялпи хатловдан ўтказии ва кадастр ҳужесжатларини расмийлаштириши графиги
 - 6.2 Жамият балансидаги маҳсус машина ва механизmlар тұғрисида маълумот
 - 6.3 Жамият учун зарур бўладиган қўшимча маҳсус машина ва механизmlарни харид қилиши графиги
- VII. Жамият имиджини кўтариш, истеъмолчиларининг муносабатини ўзгартириш (шаффофликка эришиш, ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарадиган ишончли ташкилот бўлишга эришиш)**
- VIII. Ҳар бир ходимнинг / йўналишнинг / корхонани мезонлар (КПИ) асосида баҳолаб бориш ва рағбатлантириш**
- IX. Халқ мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизомини таъминлаш**
- X. Бизнес рискларини (таваккалчиликларни) бошқариш**
- XI. Иловалар**

I. Жамият тўғрисида умумий маълумот

1.1. Жамият реквизитлари (умумий маълумотлар, Жамият паспорти)

Жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи	“Тошкент сув таъминоти” Маъсулияти чекланган жамияти
Юридик манзили:	Тошкент вилояти Қиброй тумани У.Юсупов кўчаси 1 уй
Ташкилий-хуқуқий шакли	“Toshkent suv ta`minoti”MCHJ
Давлат руйхатидан ўtkазилган сана ва тартиб рақами.	№33-т 2015 йил 25 декабрь
Фаолият тури	Ичимлик суви ва оқова хизматлари
Устав капитали	89 103 273 810 сўм
СТИР	201577953
Статистик таснифлари (КТУТ)	14988972
ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури	90213
МШТ бўйича мулкчилик шакли	213
ТҲШТ бўйича ташкилий-хуқуқий шакли	160
МХОБТ бўйича манзил	1727248551
Хисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки	Чирчик шахар ипотека банки x/p 20210000800101498001 МФО 00478

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5883-сон Фармонига ва “Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4536-сон қарорига қарорига мувофик “Сувоқава” давлат унитар корхоналари негизида вилоятларда “Худудий сув таъминоти” маъсулияти чекланган жамиятлари сифатида қайта ташкил этилди, уларнинг устав капиталидаги 100 фоиз улушлари “Ўзсувтаъминот” АЖ устав капиталига берилган.

1.2. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Жамият тасарруфидаги иншоотлар, уларнинг куввати ҳамда ичимлик ва оқава сув тармоқлари тўғрисида 01.01.2023 йил ҳолатига маълумот:

сув олиш иншоотлари, та	528
сув узатиш ва тарқатиш иншоотлари, та	25
ховузлар (резервуарлар) сони, та	126
ер ости қудуқлари (скважиналар) сони, та	879
оқава сувларни тозалаш иншоотлари, та	9
канализация насос станциялари, та	24
ичимлик сув тармоқлари, км	6416
оқава сув тармоқлари, км	1175

Жамиятнинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш ҳолати кўрсатилади. Бунда Жамиятнинг фаолият йўналишидан келиб чиқиб, кувватидан фойдаланиш даражаси (фоизи), шунингдек, маҳсулотлар кесимида, мавжуд қувватдан максимал даражада фойдаланишга эришиш имконини бермаётган омиллар, уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар батафсил ёритилади.

1.3. Жамиятнинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ жамиятлари тўғрисида маълумот

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5883-сон Фармонига ва “Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4536-сон қарорига қарорига мувофиқ давлат унитар корхоналари маъсулияти чекланган жамиятларга қайта ташкил этилиб, Жамиятнинг намунавий тузилмаси масъулияти чекланган жамияти ягона таъсисчисининг 27.01.2020 йилдаги 16 - сонли Қарорига асосан тасдиқланган.

Жамият штат жадвали

Жамиятнинг ва 2022 йилнинг 1 ноябрда тасдиқланган штатлар жадвалида Жамиятда истеъмолчиларга ичимлик суви етказиб бериш ҳамда канализация хизматларини кўрсатиш фаолияти бўйича жами 3026 та штат бирлиги мавжуд бўлиб шундан, 137 та бошқарув ходимлари, 953 та муҳандис-техник ҳамда 1936 та ишчи-ходимлар учун штат бирлиги мавжуд (4-жадвал)

Жамият мутахассислар билан таъминланганлик даражаси 2022 йилда жами ходимлар сонига нисбатан 98 фоизни ташкил этди.

жами ишчи- ходимлар билан таъминланганлик даражаси ҳақиқатда/штат бўйича 3026 : 2965 = 98 % ни ташкил қилди.

Бу кўрсаткичлар ўз навбатида Жамият раҳбарият олдига, Жамиятни малакали ҳамда замонавий технологиялар билан таниш бўлган ёшларни ишга жалб қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишни вазифа қилиб қўяди.

Жамият ва унинг шаҳар ва туман филиалларида яратиладиган янги иш ўринларини малакали кадрлар билан тўлдириш, уларни қасбий махоратларини ошириш йўллари

“Бизнес режа” да Жамият вилоят, шаҳар ва туманлар филиалларини малакали кадрлар билан тъминланганлик даражаси ҳамда фаолиятни кенгайтириш ва янги ишчи ўринлари яратиш борасидаги истиқболлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Жамият республика ва вилоятдаги мавжуд олий ўкув юртлари, колледжларга мурожаатлар қилиш, матбуот, телевидения ва интернетдаги www.mehnat.uz сайти орқали Жамиятда мавжуд бўш иш ўринлар тўғрисида эълонлар бериш ҳамда бандлик маркази томонидан ўтказиладиган “Бўш иш ўринлари ярмаркаси”да қатнашиши орқали кадрлар таркибини сифат жихатдан яхшилаш ва унга иқтидорли ёшларни жалб қилиш режалаштиромоқда.

Бундан ташқари, Жамият ходимларини тизимли ўқитиш ва қайта тайёрлаш ўёли билан уларнинг қасбий махоратларини ошириш бўйича ишлар мунтазам тарзда олиб борилмоқда. Жамият мутахассислари ўкув марказларида семинар-тренингларда қатнашиб, республикамида соҳани ривожлантириш ва янги замонавий технологияларни жорий қилиш бўйича ўз билимларини оширидилар.

1.4. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, Жамият бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий химоя

Ушбу бўлимда Жамият ва унинг тизимидағи ташкилотларда кадрлар сиёсати қай тарзда йўлга қўйилгани кўрсатилади. Жумладан:

- Жамиятдаги жами штат бирликлари;
- иш ўрни;
- ходимлар сони;
- уларнинг малакаси тўғрисида маълумотлар;
- ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ишчи-хизматчилар, бошқарувдаги ходимлар, техник ходимлар сони;
- ходимларни ишга қабул қилиш тартиби;
- Малака талаблари;
- ходимлар малакасини ошириш чора-тадбирлари, унга сарфланган маблағлар;
- тор доирадаги мутахассислар, алоҳида ютуқларга эришган ходимлар тўғрисида маълумот;
- ишчи-хизматчиларнинг ўртacha сони ва улар сонининг сўнгги йилларда ўзгариши.

Жамиятда кадрлар, меҳнат ва ижтимоий масалалар соҳасида қуйидаги:

- Жамият ходимларини танлаш ва ишга жойлаштириш, қасбий ўсиш шароитлари, масъулият, рағбатлантириш даражаси ва ижтимоий муҳофаза қилиш тизимларини белгилаш;

- Жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб кадрларни ўқитиш тизимини ташкил этиш;
- Жамиятнинг ижтимоий соҳасидаги ўқув юртлари ва муассасаларининг моддий базасини таъминлаш ва ривожлантириш;
- мутахассисларни республика ва хорижий мамлакатлар ўқув муассасалари ва Жамиятларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, шунингдек уларнинг иш ўрганишларини (стажировкаларини) таъминлаш;
- кадрлар сиёсатини самарали олиб бориш;
- Жамиятда корпоратив этика, коррупцияни олдини олиш қоидаларига риоя қилиш таъминлаш.

Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот

№	ФИШ	Лавозими (иш жойи), фаолият кўрсатиши даври	Жамиятдаги улуши
I. Ягона таъсисчи			
1.	Жамият таъсисчиси	“Ўзсуvtальминот” акциядорлик жамияти	■ Ягона таъсисчиси Юридик шахслар – 100 %
II. Кузатув кенгаши			
2.	Акрамов Азиз Шавкатович	Кузатув кенгаши раиси	Мавжуд эмас
3.	Сарманов Шахбоз Ахмадалиевич	Кузатув кенгаши аъзоси	Мавжуд эмас
4.	Розиев Мансур Бахтиярович	Кузатув кенгаши аъзоси	Мавжуд эмас
5.	Джуманазаров Дилшод Келдиярович	Кузатув кенгаши аъзоси	Мавжуд эмас
6.	Умрзоқов Фахриддин Хусниддин ўғли	Кузатув кенгаши аъзоси	Мавжуд эмас
III. Ижроия органи			
7.	Аминов Нўймон Мирахматович	Директор	Мавжуд эмас
8.	Хокимбоев Рўзмат Икромович	Бош мухандис	Мавжуд эмас
9.	Куддусов Нуриллахон Нугманович	директорининг молиявий масалалар бўйича ўринбосари	Мавжуд эмас

II. Жамиятни ислоҳ қилиш

2.1 Истиқболли ривожланиш, стратегия;

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5883-сон Фармонига ва “Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4536-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6074-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2910-сонли қарори бўйича ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш дастурлари шакллантирилиб, ишлар амалга оширилмоқда.

2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;

Жамият олдига қўйилган мақсадидан келиб чиқсан ҳолда, аҳолига тоза ичимлик сувини етказиш, оқава хизматлари билан таъминлашнинг сифатини оширишда Жамият томонидан амалга оширилиши лозим бўлган асосий ва устувор вазифалар қўйидагилардан иборат:

- Жамиятга бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, сув таъминоти бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- Замонавий ва интеграциялашган бухгалтерия тизимини тўлиқ жорий қилиш, ҳалқаро стандартлар бўйича бухгалтерия ҳисобига ўтиш ишларини бошлаш;
- Жамият ва таркибий ташкилотларини ҳалқаро аудитдан ўтказиш, ҳалқаро консультантлар ва эксперtlарни жалб қилган ҳолда жамиятнинг трансформация жараёнини давом эттириш;
- маънавий эскирган асбоб-ускуналарни ҳалқаро талабларга жавоб берадиган, замонавий, энергия жиҳатидан самарали асбоб-ускуналарга, шу жумладан лизинг асосида алмаштириш йўли билан энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш.
- абонентларни тўлиқ хатловдан ўтказиш йўли билан абонент хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва ичимлик сув ҳажмини ишлаб чиқариш, сотиш ва унинг учун ҳақ тўланишини кузатиб бориш мақсадида мониторинг олиб бориш, абонентлардан маблағлар тўпланиши даражасини ошириш, ҳисоб рақамларини тайёрлаш ва маблағ қўйиш жараёнини компьютерлаштириш, маълумотлар базасига руҳсатсиз киришга йўл қўймаслик.
- сув олиш иншоотларида ва тақсимлаш-тарқатиш қувурлари жойлашган жойларда сувни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини (сарф ўлчагичларни), шунингдек уй-жой фондида сувни ҳисобга олишнинг якка тартибдаги асбобларини ўрнатиш.

- Оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан электрон ОАВ ва Интернет орқали сув таъминоти ва канализация соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар, ичимлик сувдан оқилона фойдаланиш бўйича тарғибот чора тадбирлари якуний мақсадларининг моҳияти ва мазмунини кенг ва муентазам равишда ёритишин ташкил этиши.
- Аҳоли ўртасида сув таъминоти ва сув ажратиш соҳасида қабул қилинган меъёрий-хуқуқий хужжатларнинг мазмуни, мақсадлари ва уларни амалга ошириш механизмлари тўғрисида тушунтириш ишларини тизимли асосда олиб бориш ҳамда Махалла фуқоролар йигинлари билан ҳамкорликда аҳоли ва ташкилотларни ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматларидан бўлган қарздорликларни ундириш ишини йўлга қўйиш;
- Жамиятда жорий этилган "Биллинг" электрон тизимини такомиллаштириш;
- вилоят шахарлари ва туманлари канализация тизимини реконструкция қилиш орқали худудларда санитария-гигиена ҳолатини яхшилашга эришиш;
- эскирган оқава сувларни тозалаш тизимини реконструкция қилиш;
- эскирган ва ишдан чиққан насос станцияларини мукаммал таъмирдан чиқариш.

Сув таъминоти ва канализация соҳасидаги асосий (долзарб) муаммолар.

- ◆ ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича қўшимча маблағлар манбасини топиш зарурлиги;
- ◆ авария вақтидаги ишларини бажариш учун истеъмолчилардан (абонентлардан) буюртманомаларни узлуксиз қабул қилувчи кеча-кундуз ишлайдиган диспетчерлик ва авария вақтидаги хизматларни, шунингдек авария оқибатидаги созлаш, тиклаш ишларини тезкорлик билан амалга оширувчи бригадаларнинг жойларга чиқишини ташкил этиш учун уларни замонавий техника и ускуналар ҳамда бутловчи материаллар билан таъминлашдаги узилишлар;
- ◆ маҳсус техника, механизмлар ва жиҳозларнинг етишмовчилиги ва мавжуд паркнинг эскирганлиги.

Муаммоларни ҳал этиши ва сув таъминоти, канализация тизимини такомиллаштириши йўналишлари

- ◆ Моддий-техника ресурсларининг, шунингдек сув таъминоти ва канализация иншоотлари ва тармоқларида авария-тиклаш, таъмирлаш ва олдини олиш ишларини бажариш учун зарур бўлган қувур маҳсулотлари, курилмалар ва бошқа зарурий маҳсулотлар захирасини ташкил қилиш;
- ◆ Сув таъминоти ва канализация иншоотлари ва тармоқларидан самарали фойдаланишни ва уларни ўз вақтида таъмирлашни таъминлаш;
- ◆ Жамиятда сув балансини шакллантириш бўйича автоматлашган хисоб-китоб тизимини яратиш.

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1. Бозор таҳлили

Ушбу Бизнес режани амалга ошириш жараёнида Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Қарорлари ва бошқа меъёрий хужжатлар орқали амалга оширади.

Бозор, маркетинг тадқиқотлари ва тадбиркорларнинг илгор тажрибалари шуни кўрсатдики, Жамият томонидан ахолига сув таъминот лойиҳалаш бўйича хизматлар тўплами мижозларнинг доимий талабига эга. Шахар ва туман филиаллари нархларни ўрганиш орқали рақобатбардош нархларни белгилашга асосланади. Ҳозирги вақтда тақдим этилаётган хизматларнинг нархи, сифати ва нархларининг комбинацияси Жамиятга ушбу бизнес режани мақсадига эришишга имкон беради.

Нархларни тартибга соловчи органлар тавсиясига кўра 2021 йил 07-январдан “Тошкент сув таъминоти” МЧЖ истеъмолчиларига **1 м3** ичимлик сувини жисмоний шахслар учун **950 сўм**, бюджет ташкилотлари учун **4000 сўм** юридик ташкилотлар учун **4000 сўм**. Оқова хизмати бўйича жисмоний шахслар учун **700 сўмни**, бюджет ташкилотлари учун **1300 сўм**, юридик ташкилотлар учун **1300 сўм** қилиб белгиланган.

3.2. Жамият ва унинг шаҳар/туман филиаллари томонидан кўшимча қамраб олиниши лозим бўлган абонентлар (аҳоли) графиги

Вилоятининг марказлашган ичимлик ва оқова сув тармоқлари мавжуд бўлган худудларда яшовчи лекин ичимлик сув таъминотига уланмаган 4% ва канализация тармоқларига уланмаган 30% аҳоли хонадонларини 2023 йилнинг якунига қадар тўлиқ қайта хатловдан ўтказиб марказлашган ичимлик сув ва канализация тармоғига уланган аҳоли билан шартнома муносабатлари ўрнатиб абонентлар базасига киритиш графиги ишлаб чиқилди. (5-жадвал)

3.3. Жамият ва унинг шаҳар/туман филиаллари томонидан кўшимча қамраб олиниши лозим бўлган юридик ташкилотлар графиги.

Тошкент вилоятининг марказлашган ичимлик ва оқова сув тармоқлари мавжуд бўлган худудларда фаолият юритувчи лекин ичимлик сув таъминотига уланмаган ва канализация тармоқларига уланмаган ташкилот ва муассасаларни 2023 йилнинг якунига қадар тўлиқ қайта хатловдан ўтказиб марказлашган ичимлик сув ва канализация тармоғига уланган юридик шахслар билан шартнома муносабатлари ўрнатиб абонентлар баъзасига киритиш графиги ишлаб чиқилди (6-жадвал).

Тошкент вилоятида 2023 йил мобайнида янги ташкил этиладиган ҳамда марказлашган ичимлик ва оқова сув тизимига алоҳида обьект сифатида қўшилиши мумкин бўлган мижозларни ҳисобга олиш кейинчалик “Бизнес режа” га тузатишлар киритиш орқали амалга оширилиши назарда тутилган.

3.4. Жамият ва унинг шахар/гуман филиаларида кўшимча абонентларни камраб олиш натижалари бўйича олиналигани кўшимча даромадлар хисобидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси

Истельмолчи сифатида кўшимча тарзда хисобга олиниши мумкин бўлган абонент (ахоли хонадонлари, Жамият, ташкилот, муассасаларни ичимлик сувва канализация хизматлари билан кўшимча камраб олиш ва улар билан шартнома муносабатларини ўрнатиш хисобига абонентлар сонини кўпайтириш ва бунинг хисобига кўшимча даромад олиш бўйича камров графигига мутганосиб равишда даромад олиш истикбол режалари (5,6 - жадвалда) ишлаб чикилди.

3.5. Жамиятка карашли сув ишоотлари ва насос ускуналари тўғрисида

Мальумот

“Бизнес режа” га илова килинган (7, 7а, 8, 8а, 9 - жадвалларда) «Тошкент сув тальминот”, МЧЖ ва унинг шахар/туман филиалларига карашли сув ишоотлари ва насос ускуналарини тўғрисидаги мальумотлар, шахар ва туманлар кесимидаи хар бир ишоот хамда насос ускуналарининг сони ва бошқа кўрсаткичлар бўйича рўйхатлари келтирилган.

3.6. Жамият сув ишоотлари ва насос ускуналарини ялпи хатловдан ўтказиш ва кадастр хужжатларини расмийлаштириш графиги

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Аҳолининг ичимлик суви билан тальминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошкарлини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5883-сон Фармонига ва “Республика сув тальминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПК-4536-сон карорига карорига билан Жамиятнинг сув тальминоти ва канализация объектларини ялпи хатловдан ўтказиш ва натижалари бўйича тегисли кўчмас мулкка кадастр хужжатлари расмийлаштириш жадвали тасдиқланди. Хозирги кунда вилоят “Ер гео кадастр” бошкармаси билан хамкорликда Жамият тасаруфидаги мавжуд бино ва ишоотлардан 570 та сув олиш ва узатиш ишоотларида кадастр хужжатларини расмийлаштирилган. 2023 йилнинг охирига кадар кадастр хужжатлари мавжуд бўлмаган 207 та обьект бўйича кадастр хужжатларни расмийлаштириши режалаштирилган (16- жадвала).

IV. Молиявий режа

Молиявий баркарорлик, ликвидилик ва тўлов кобилияти, карздорлик (ички ва ташки), кредитлар юки

Молиявий баркарорлик, ликвидилик ва тўлов кобилияти (ГАР тахлили)

Бизнес-режани амалга ошириш натижасида ушбу кўрсаткичларга эришилиши, уларнинг мэйёрларга мос келиши ва ўтган йилга нисбаган ўсиш суратлари ёритилилади.

Жамият 2022 йилда эришилган даромадлар ва харажатлар сметаси (14-жадвал), 2023 йилда кутилаётган даромадлар ва харажатлар сметаси

(14а-жадвал), дебитор ва кредитор карздорликларини камайтириш графиги (15-жадвал)да ўз аксии топган.

V. Жамият тасарууфилаги сув ишоогларининг сув ўлчов приборлари билан таъминланганилиги түргисида маълумот

Жамият ва унинг шахар ва туманлар филиаллари тасарууфилаги сув ишоотлари ва кувурларниг таксимлап жойлари хамда окава ишоотларини сув ўлчов приборлари билан таъминлангандик ва уларниг яроклилик холатини ўрганиши натижасида кўйдагиларни аникланди (10-жадвал).

Жамият тасарууфилаги сув ишоотлари ва сув узатилип тармокларини замонавий сув ўлчов приборлари билан таъминланганилиги түргисида маълумот

№	Жамиятлар номи	Мавжуд сув ишоот- лари сони	Ишоот- ларда ўрнатилиши	Хакикатла мавжуд (ярокли ва киёсловдан ўтказилган) сув ўлчов приборлари сони	Фарки ёки ўрлатилад иган сув ўлчов приборлар и сони	Таълаб этапидаги маблаг микдори (млн.сум)
						Сув таъминоти бўйича
	«Ташкент сув таъминоти» МЧЖ жами	553	848	233	260	3 640.0

Бугунги кунда ишга ярокли ва киёсловдан ўтказилган сув ўлчов приборларининг сони 10 тани ташкил килади ва яна мевёрий хужжатлар талабига кўра жами бўйлиб 260 дона сув ўлчов асбобларини ўрнатиш лозим бўлади.

Бу ишни тўлиқ амалга ошириш учун эса дастлабки хисоб китобларга кўра

Жамиятга жами 3640,0 млн сўм маблағ зарур бўлади.

Ушбу вазифани боскичма-боскич амалга ошириш максадида ХМИ ва Махаллий инвестиция дастурлари маблағлари хисобидан 2023 йилда “Бизнес режа” га киритилди.

VI. Ишлаб чиқариладиган ичимлик суви ва оқава хизматлари учун сарфланадиган электр энергия харажатларини режаси

Жамият томонидан истеъмолчиларга тақдим килинаётган хизматлар таннархини пасайтириш ва унинг молиявий баркарорлигини таъминлашда фаолият давомида фойдаланилаётган электр энергияси харажатларини кискартириш жуда муҳим ахамиятга эга.

Жамиятлар электр энергиясини иктисолд килишнинг бир катор самарали усувларидан фойдаланадилар. Булар категорига кўйдагиларни киритиш мумкин:

- фаолиятда ишлагилаётган ускуналарни модернизация килиш;
- энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш;
- электр энергиясини кабул килувчи ва таксимловчи тизимда йўкотишларни камайтириш

- частоталарни ўзгартириш приборларидан фойдаланган ҳолда ускунани ишлаш режимини автоматик созлаб туриш в.х.к.

Ўтган йиллар тажрибаси ва соҳа мутахассисларини фикрларини ўрганган ва хисоб-китобларига таянган ҳолда ишлаб чиқариладиган ичимлик суви ва оқава хизматлари учун сарфланадиган электр энергия харажатларини кисқартириш бўйича 2023 йил учун чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди (13-жадвал).

Режани тузишда куйидаги ҳолатлар хисобга олинди:

1. Мавжуд насослар сони - 1212 дона, шундан соз ҳолатдагилари - 730 дона;
2. Алмаштирилиши ҳамда қўшимча харид қилиниши лозим бўлган замонавий электр энергиясини тежайдиган насослар сони - 204 дона. (9-жадвал).

6.1. Жамият томонидан 2023 йилда ишлаб чиқариладиган ичимлик сувининг табиий йўқотилишини камайтириш бўйича чора тадбирлар режаси

Ишлаб чиқарилаётган ичимлик сувини “Ўзкоммунхизмат” агентлигининг 2014 йил 26 сентябрдаги 95-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Сув таъминоти хизматини кўрсатишда сувнинг табиий йўқотилиш ва технологик харажатлари хисоб-китоби тўғрисида” ги Кўлланмага асосан амалга оширилган хисоб китоблар асосида тасдиқланган истеъмолчиларга ичимлик сувини етказиб бериш жараёнида тармоқларда йўқотилиши мумкин бўлган сув йўқотиш меъёри 35,8% га етказиш белгиланган. (11-жадвал)

Ичимлик сувининг табиий йўқотилишининг асосий сабаби ичимлик суви тармоғининг катта қисмини яроқсиз ҳолатга келганлигидир.

Тошкент вилоятининг ичимлик сув таъминот тизими 1956 йилда ташкил этилган ва жами ичимлик сув тармоғининг узунлиги хозирги кунда 6416 км ни ташкил қиласи. Шундан хизмат муддатини ўтаб жисмонан эскиргани 4575 км (71,3%) ташкил этади.

Ичимлик сувининг табиий йўқотилишини кескин камайтиришга эришиш учун барча хизмат муддатини ўтаб жисмонан эскирган ичимлик сув қувурларини алмаштирилиши зарур. Лекин ушбу ишларни бирданига амалга ошириш имкони мавжуд бўлмаганлиги учун Жамият томонидан 2023 йил давомида 39,7 км ичимлик сув тармоқларини мукаммал ва 128 км қисмини жорий таъмирлаш режалаштирилган. Ушбу тадбирни амалга оширишга эришилса, тармоқлардаги носозликларни сони қисқариши хисобига ичимлик сувини йўқолишини камайишига эришиш мумкин бўлади.

6.2. Жамият балансидаги маҳсус машина ва механизmlар тўғрисида маълумот

Жамият филиаллари фаолиятини узлуксиз ва самарали юритилиши кўп жихатдан уларни маҳсус техника, механизм ва жихозлар билан таъминланганлигига боғлиқ.

Жамият балансида Жамият фаолияти мақсадларида фойдаланиш назарда тутилган 273 дона техника ва жихозлар мавжуд бўлиб, уларнинг 109 таси соз, 113 таси таъминалаб ва 51 таси фойдаланишга яроқсиз ҳолатда.

Мавжуд техника, механизм ва жихозлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар қуйида келтирилган жадвалда акс эттирилган (12-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Жамият фаолиятини тўлақонли амалга ошириш учун зарур бўлган маҳсус техника, механизм ва жихозлар билан тармоқ учун белгиланган меъёр даражасида тўлик таъминланган эмас.

Холатни яхшилаш мақсадида 2023 йил учун тузилган “Бизнес режа”да йил охирига қадар 12 дона маҳсус машиналар ҳамда 35 дона маҳсус механизmlар сотиб олиш назарда тутилган.

6.3. Жамият учун зарур бўладиган қўшимча маҳсус машина ва механизmlарни харид қилиш графиги

Ўзкоммунхизмат агентлигининг 25.09.2014 йилдаги 90-сонли бўйруги билан тасдиқланган "Ичимлик ва оқава сув Жамиятларини машина, механизм ва маҳсус ускуналар билан таъминлаш бўйича тавсияси" га мувофиқ «Тошкент сув таъминот” МЧЖ ўз фаолиятини тўлақонли амалга ошириши учун 411 дона маҳсус техника ва механизmlарга эга бўлиши лозим бўлган холда хозирда жами 227 бирлик (шундан 51 бирлиги яроқсиз ҳолатда) техникага эга.

(VII. Жамият имиджини кўтариш, истеъмолчиларнинг муносабатини ўзгартириш (шаффофликка эришиш, ўз мажбуриятларини тўлик бажарадиган ишончли ташкилот бўлишга эришиш)

Жамият 2023 йилда ўз имиджини кўтариш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган:

Ўзбекистон Республикасида сув таъминоти соҳаси ривожланиши учун технологик тармоқ инфраструктурани яратиш;

истеъмолчилар талаби, сувнинг сарфи ва истеъмол ҳажми ўсишини ҳисобга олган холда, сув таъминоти тармоқлари ишончлилигини таъминлаш;

сувни тақсимлаш тармоқларининг эскириш тенденсиясига йўл қўймаслик мақсадида уларни модернизациялаш, реконструкция ва техник қайта жиҳозлаш ҳамда янгиларини куриш жараёнларида замонавий асбоб-ускуналар, материаллар, инновасион технологиялардан фойдаланиш;

гидравлика қурилмаси орқали сув ўтказувчанлигини ошириш;

сувни тақсимлаш тармоқларида йўқотишларини камайтириш;

сув таъминоти сифатини яхшилаш;

замонавий диагностика, мониторинг ва ахборот-ўлчов жиҳозларидан фойдаланган холда, эксплуатациянинг илғор технологияларини жорий этиш;

сув таъминоти ускуналарининг техник ҳолатини назорат қилиш асосида сув тармоқларида техник хизмат қўрсатиш ва таъмирлашнинг самарали тизимини яратиш;

сув тармоқлари комплексида инвестицион муҳитни ҳамда капитал қўйилмалар жозибадорлигини яхшилаш, ягона инновацион сиёсатни шакллантириш;

Сув таъминоти соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни оммага етказишда оммавий ахборот воситалари ходимлари билан фаол ҳамкорлик қилиш;

Соҳа экспретлари билан интервьюлар, худудларнинг сув таъминоти борасидаги шароит ва имкониятларини ўрганиш, қўрсатишга қаратилган пресс-

турлар, соҳада узоқ йиллик тажрибага эга ишчи-ходимлар ҳақида мақолалар, тегишли йўналишларда олиб борилаётган ҳақида аҳоли хабардорлигини оширишни кўзда тутувчи матбуот анжуманлари, брифингларни ташкил этиш;

ижтимоий тармоқларда сув таъминоти юзасидан билдирилаётган фикрлар, танқидлар ва масалаларга тезкорлик билан муносабат билдириш, жамоатчилик назоратини биргаликда олиб бориш.

VIII. Ҳар бир ходимнинг / йўналишнинг / корхонани мезонлар (КРІ) асосида баҳолаб бориш ва рағбатлантириш

1. Жамиятнинг таркибий бўлинмалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари қуидагилар ҳисобланади:

1) юкланган азифаларнинг бажарилиши.

Бунда таркибий бўлинмалар фаолияти қуидаги рейтинг қўрсаткичлар бўйича баҳоланади:

а) фаолияти билан боғлиқ соҳада белгиланган чора-тадбирлар ҳамда прогноз қўрсаткичлар бажарилишига эриши;

б) соҳага смарт, инновацион ва ахборот технологияларни жорий этиши ва инвестицияларни жсалб этиши;

в) хуёжсатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожсаатлари билан ишлаш; 2

г) оммавий ахборот воститалари билан ишлаш;

2) одоб-аҳлоқ ва ички-тартиб қоидаларга риоя этилиши;

3) хорижий тилларни биладиган ва илмий даражаларга эга ходимлар салмоғи, улар томонидан илғор хорижий тажриба, фан-техника ютуқлари ўрганилиши ҳамда тарғиб ва жорий қилиниши юзасидан талифлар киритиш.

2. Ҳар бир мезон бўйича баҳолаш натижаларига кўра мазкур баҳолаш мезонларининг рейтинг баллар кўйилади.

Жамиятнинг таркибий бўлинма фаолияти самарадорлиги мезонлари 100 баллик рейтинг тизими асосида баҳоланади. Бунда:

86 – 100 балл тўплаган таркибий бўлинма фаолияти “аъло”;

71 – 85 балл тўплаган таркибий бўлинма фаолияти “яхши”;

56 – 70 балл тўплаган таркибий бўлинма фаолияти “қониқарли”;

55 балл ва ундан паст балл тўплаган таркибий бўлинма фаолияти “қониқарсиз”, деб ҳисобланади.

Жамиятнинг таркибий бўлинма фаолияти “қониқарсиз” деб баҳоланса, ушбу таркибий бўлинма бошлиғи ва тегишли ходимларига белгиланган тартибда интизомий чоралар кўрилади. Ушбу ҳолат кетма-кет такрорланган тақдирда, мазкур таркибий бўлинма бошлиғига ва ўзига юклатилган функциоанл вазифалар бажарилишини лозим даражада таъминламаган ходимга нисбатан меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади.

Жамиятда маъсул ходимлар самарасиз фаолият қўрсатаётган таркибий бўлинма фаолиятини таҳлил қилиб, йўл қўйилаётган тизимли камчиликларни ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлайди, уларни бартараф этиш ва

таркибий бўлинма фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади.

Баҳолаш мезонлари бўйича хулоса қуидаги тартибда тузилади:

- таркибий бўлинмага қўйилган баҳо;
- тадбирларнинг ижроси бўйича хулосалар;
- мазкур йўналишдаги ишларни яхшилаш бўйича берилган тавсиялар иборат бўлади.

X. Халқ мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизомини таъминлаш

Жамият томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг Конунда белгиланган тартибда ўз вақтида ҳар томонлама ва сифатли кўриб чиқилиши таъминланмокда.

Жамиятга жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2022 йилда 5071 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 5071 таси Жамият марказий аппаратига келиб тушган. Мазкур мурожаатларнинг 4312 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали, 13 таси ёзма, 746 таси электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни ташкил қиласди. Шундан 1935 та мурожаатлар қаноатлантирилган. 2950 та мурожаатларга хуқуқий тушунтириш берилган. 56 та мурожаатлар тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган. 130 та мурожаат ўрганилиш жараёнида бўлган. Жамият марказий аппаратига ва тизим идораларига келиб тушаётган барча мурожаатлар бевосита раҳбарият томонидан назоратга олинган. Жамият марказий аппаратида ҳамда адлия органлари ва муассасаларида мурожаатлар билан ишлаш аҳволи тизимли равишда мониторинг қилиниб, ҳар чоракда таҳлил қилиб борилмокда.

Ҳисобот даврида Жамият раҳбарияти томонидан жами 374 нафар жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинди, шундан 178 таси бевосита Жамият раҳбари томонидан, 196 таси раҳбар ўринbosарлари томонидан қабул қилинди.

Келиб тушаётган мурожаатларни назоратини таъминлаш учун ягона мониторинг тизимини йўлга қўйиш "Жисмоний ва юридик шахслар" мурожаатларини қабулини ташкил этиш

Жамиятда ҳафтада бир марта Жамият раиси ва ўринbosарлари фукароларни мурожаатларини қабул қилиш кунларини ташкил этиш.

Мурожаатларни қабул қилиш бўйича ишонч телефонини ишга тушуриш.

Кўча ичимлик суви колонкасидан фойдаланувчи аҳоли истеъмолчиларини марказлашган ичимлик сув таъминотига улаш бўйича режаграфик ишлаб чиқиш;

Ижтимоий соҳа обьектларида, биринчи навбатда мактабларда санитар-гигиена пунктларида санитария шароитларини ташкил этиш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш;

Давлат хусусий шерикчилик шартлари асосида тадбиркорларга ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва бошқаришга бериш бўйича ишлар;

XI. Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш

Бизнес режадаги белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажармаслик қуидаги рискларга олиб келиши мумкин.

Технологик (ишлаб чиқариш) риски

Бизнес режага мувофиқ технологик (ишлаб чиқариш) риск қуидаги сабабларга кўра аҳамиятсиз деб ҳисобланади:

Ишлаб чиқариш жараёнининг моҳияти содда ва ишончли;

Ижара хизматларини кўрсатиш технологияси яхши ривожланган ва амалга ошириш осонлиги.

Талаб етишмаслиги ёки пасайиши риски

Ушбу турдаги риски эътиборсиз қолдириш мумкин, чунки тақдим этилаётган хизматлар (товарлар) истеъмол қобилиятини йўқотиши мумкин эмас.

Бундай рискнинг йўқлиги маркетинг тадқиқотлари билан тасдиқланган.

Тўловни тўламаслик риск

Тўловни тўламаслик риск деярли йўқ, чунки барча хизматлар (товарлар) тўлов асосида амалга оширилади.

Ушбу рисклар қуидаги омиллар туфайли минималлаштирилади:

Ишлаб чиқариш фаолияти хизматлар кўрсатиш учун барча зарур шароитлар яратилган ишлаб чиқариш майдончасида амалга оширилади;

инвестиция дастурининг ҳар бир бўлими учун лойиҳалашдан олдин батафсил тадқиқотлар ўтказилади;

ишлаб чиқилган дастурни амалга ошириш учун ходимлар малакали мутахассислар билан тўлдирилади.

XII. Иловалар (1-22-жадваллар)

1. МЧЖда мавжуд ишчи ходимларнинг иш ҳақи миқдори тўғрисида маълумот (4-жадвал)
2. МЧЖ томонидан қамраб олинган абонентлар (аҳоли) тўғрисида МАЪЛУМОТ (5-жадвал)
3. МЧЖ томонидан қамраб олинган юридик ташкилотлар тўғрисида МАЪЛУМОТ (6-жадвал)
4. МЧЖга қарашили ичимлик сув инишоотлари ва насос ускуналар тўғрисида МАЪЛУМОТ (7-жадвал)
5. МЧЖга қарашили ичимлик сув инишоотлари ва насос ускуналар тўғрисида МАЪЛУМОТ (7A-жадвал)
6. МЧЖга қарашили оқава сув инишоотлари ва насос ускуналар тўғрисида МАЪЛУМОТ (8-жадвал)
7. МЧЖга қарашили оқава сув инишоотлари ва насос ускуналар тўғрисида МАЪЛУМОТ (8A-жадвал)
8. МЧЖга қарашили сув ва оқова инишоотларидағи насос ускуналар тўғрисида МАЪЛУМОТ (9-жадвал)
9. МЧЖ корхонасининг 2023 йил сув инишоотлари ва магистрал сув қувурларига сув ҳисоблагичларни ўрнатиши режса-жадвали (10-жадвал)
10. МЧЖ томонидан 2021 йилда ишлаб чиқариладиган ичимлик сувининг табиий ўқотилишини камайтириши бўйича чора-тадбирлар режаси (11-жадвал)
11. МЧЖ учун зарур бўладиган маҳсус машина ва механизмларни харид қилиши ГРАФИГИ (12-жадвал)
12. МЧЖ бўйича 2022 йилда истеъмол қилинган ва 2023 йилда истеъмол қилинадиган электр энергияси ҳажслари тўғрисида маълумот (13-жадвал)
13. МЧЖ нинг 2022 йилда эришилган даромадлар ва харажатлар сметаси (14-жадвал)
14. МЧЖ нинг 2023 йилда кутилаётган даромадлар ва харажатлар сметаси (14A-жадвал)
15. МЧЖнинг дебитор ва кредитор қарздорликларини камайтириши ГРАФИГИ (15-жадвал)
16. МЧЖнинг сув инишоотлари ва насос ускуналарини ялпи хатловдан ўтказиши ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириши (16-жадвал)
17. МЧЖнинг филиалари кесимида 2021 йилда ичимлик сув инишоотларида замонавий зарарсизлантириши ускуналарни ўрнатиши РЕЖА-ЖАДВАЛИ (17-жадвал)
18. МЧЖнинг чиқиндиларни жойлаштириши бўйича компенсация тўловларини белгилаш ва ундириши бўйича 2022 йилдаги кўрсаткичлари ҳамда 2023 йил учун иш РЕЖАСИ (18-жадвал)
19. МЧЖ бўйича ичимлик суви тармоқларини мукаммал ва жорий таъмирлаш харажатлари тўғрисида МАЪЛУМОТ (19-20 жадвал)
20. МЧЖ бўйича оқова сув тармоқларини мукаммал ва жорий таъмирлаш харажатлари тўғрисида МАЪЛУМОТ (21-22 жадвал)

"Тошкент сув таъминоти" МЧДЖ мавжуд ишчи ходимларининг иш заҳси мукоддири тутусинида
МАЪЛУМОТ

Т/р	Филиаллар номи	Тасдиқланган штат жадвалин бўйича штат бирликлари сони	шу жумладан			Штат жадвали бўйича бир ойлик иш заҳси фонди (мили сўм)				Хакисатда ходимлар сони			
			Бошкарув ходимлари	Мухандис-техник ходимлар	Ишлаб чикариш ходимлари	Жами	шу жумладан:			Жами	шу жумладан:		
							маъмурий ходимлар	мухандис-техник ходимлар	ишлаб чикариш ходимлари		маъмурий ходимлар	мухандис-техник ходимлар	ишлаб чикариш ходимлари
	Жами:	3 026	137	953	1 936	6 251,7	530,0	2 459,9	3 261,8	2 965	137	935	1 893
1	"Тошкент сув таъминоти" МЧДЖ	189	35	116	38	622,6	147,2	396,6	78,8	181	35	110	36
2	Ангрен шахар	270	4	69	197	525,4	15,0	170,5	339,9	265	4	69	192
3	Олмалик шахар	310	4	69	237	603,8	15,0	174,5	414,2	308	4	69	235
4	Бекобод шахар	169	4	52	113	335,1	15,0	130,7	189,4	167	4	52	111
5	Бекобод туман	37	4	17	16	85,5	15,0	42,8	27,7	37	4	17	16
6	Чирчик шахар	361	16	80	265	740,8	58,7	196,2	485,8	354	16	79	259
7	Охонгарон шахар	104	4	40	60	219,3	15,0	102,2	102,1	101	4	39	58
8	Охонгарон туман	77	4	27	46	157,6	15,0	69,8	72,7	75	4	27	44
9	Янгийўл шахар	143	4	44	95	282,4	15,0	110,1	157,2	140	4	43	93
10	Янгийўл туман	102	4	35	63	199,0	15,0	78,9	105,0	98	4	34	60
11	Нурафшон шахар	89	4	25	60	179,1	15,0	63,8	100,2	87	4	24	59
12	Ўрта - Чирчик туман	54	4	19	31	110,8	15,0	47,4	48,4	52	4	19	29
13	Бустонлик туман	160	4	49	107	313,6	15,0	121,6	176,9	156	4	47	105
14	Бўка туман	63	4	26	33	132,3	15,0	65,5	51,7	61	4	25	32
15	Паркент туман	127	4	42	81	247,1	15,0	101,7	130,3	127	4	42	81
16	Юкори Чирчик туман	92	4	28	60	175,5	15,0	67,1	93,3	90	4	28	58
17	Чиноз туман	91	4	31	56	173,3	15,0	71,8	86,5	89	4	30	55
18	Кўйи-Чирчик туман	43	4	16	23	88,2	15,0	37,4	35,8	42	4	16	22
19	Кибрай туман	165	4	47	114	310,9	15,0	118,7	177,1	163	4	46	113
20	Зангигула туман	142	4	42	96	263,7	15,0	100,5	148,2	140	4	41	95
21	Оқаурган туман	50	4	18	28	102,4	15,0	43,9	43,5	49	4	18	27
22	Пискент туман	50	4	21	25	106,4	15,0	52,4	38,9	49	4	21	24
23	Тошкент туман	92	4	33	55	178,3	15,0	77,2	86,1	90	4	32	54
24	Кодиря сув иншоати	46	2	7	37	98,7	8,1	18,5	72,2	44	2	7	35

Кадрлар бўлими бошлиги

Нуриддинова Ф

**"Тошкент сув тайминоти" МЧЖ томонидан ахоли истеммолчиларини қамраб олиш
РЕЖАСИ**

Т/Р	Филиаллар номи	Абонентлар сони 01.01.2023 йил холатига	2023 йилда камраб олиш режаси	ШУ ЖУМЛАДАН			
				I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Сув тайминоти бүйича							
1	Ангрен Ш.	41 803	844	177	203	228	236
2	Бекобод Т.	4 813	1 112	202	255	275	380
3	Бекобод Ш.	22 049	732	101	170	205	256
4	Бўка т.	10 218	2 256	432	562	622	640
5	Бўстонлик т.	23 130	1 648	303	350	494	501
6	Зангиота т.	16 376	780	135	184	205	256
7	Киброй т.	20 080	1 504	254	369	402	479
8	Кўйичирчик т.	5 102	384	34	96	104	150
9	Нурафшон Ш.	6 642	848	105	157	240	346
10	Оққўргон т.	6 575	1 644	314	336	494	500
11	Олмалик Ш.	37 791	352	62	80	98	112
12	Оҳангарон т.	9 254	508	67	89	134	218
13	Оҳангарон Ш.	11 974	316	48	67	98	103
14	Паркент т.	17 932	528	87	102	150	189
15	Пискент т.	6 484	748	102	137	228	281
16	Тошкент т.	13 537	964	157	235	267	305
17	Ўртачирчик т.	2 816	388	53	97	118	120
18	Чиноз т.	10 937	1 220	211	294	341	374
19	Чирчик ш.	48 591	256	32	46	87	91
20	Юкоричирчик т.	8 674	1 112	129	264	324	395
21	Янгийул т.	15 388	1 604	257	387	471	489
22	Янгийўл ш.	20 725	336	42	63	98	133
	Жами	360 892	20 084	3 304	4 543	5 683	6 554

Т/Р	Филиаллар номи	Абонентлар сони 01.01.2023 йил холатига	2023 йилда камтаб олиши режаси	ШУ ЖУМЛАДАН			
				I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Канализация бүйича							
1	Ангрен ш.	26 236	510	107	122	138	143
2	Бекобод т.	0	0	0	0	0	0
3	Бекобод ш.	9 314	306	64	73	83	86
4	Бўка т.	0	0	0	0	0	0
5	Бўстонлик т.	6 101	429	90	103	116	120
6	Зангиота т.	1 816	86	18	21	23	24
7	Кибрай т.	1 747	134	28	32	36	38
8	Куйчирчик т.	20	0	0	0	0	0
9	Нурафшон ш.	2 045	262	55	63	71	73
10	Оккўргон т.	45	15	3	4	4	4
11	Олмалик ш.	4 747	45	9	11	12	13
12	Оҳангарон т.	0	0	0	0	0	0
13	Оҳангарон ш.	4 682	122	26	29	33	34
14	Паркент т.	2 013	58	12	14	16	16
15	Пискент т.	0	0	0	0	0	0
16	Тошкент т.	112	10	2	2	3	3
17	Ўртачирчик т.	48	8	2	2	2	2
18	Чиноз т.	799	85	18	20	23	24
19	Чирчик ш.	12 282	63	13	15	17	18
20	Юкоричирчик т.	393	56	12	13	15	16
21	Янгийул т.	2 282	240	50	58	65	67
22	Янгийўл ш.	6 219	100	21	24	27	28
	Жами	80 901	2 529	530	606	684	709

Абонентлар бўлими бошлиғи

Ф.Кудратов

**“Тошкент сув таъминоти” МЧЖ томонидан юридик истеъмолчиларини камраб олини
РЕЖАСИ**

Т/Р	Филиаллар номи	Абонентлар сони 01.01.2023 йил холатига	2023 йилда камраб олиш режаси	Шу жумладан			
				I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Сув таъминоти бўйича							
1	Ангрен Ш.	962	4	1	1	1	1
2	Бекобод Т.	163	8	2	2	2	2
3	Бекобод Ш.	700	18	3	4	5	6
4	Бўка Т.	147	4	1	1	1	1
5	Бўстонлик Т.	726	24	3	5	7	9
6	Зангиота Т.	349	16	2	3	5	6
7	Кибрай Т.	597	28	5	6	8	9
8	Қўйичирчик Т.	103	16	2	3	5	6
9	Нурафлон Ш.	194	24	4	5	7	8
10	Оккўргон Т.	188	20	3	4	6	7
11	Олмалиқ Ш.	1 249	36	7	8	10	11
12	Оҳангарон Т.	100	20	2	4	6	8
13	Оҳангарон Ш.	483	16	2	3	4	7
14	Паркент Т.	298	32	5	7	9	11
15	Пискент Т.	196	20	3	5	5	7
16	Тошкент Т.	151	24	3	5	7	9
17	Ўртачирчик Т.	67	26	4	6	7	9
18	Чиноз Т.	204	14	2	3	4	5
19	Чирчик Ш.	1 970	100	15	20	30	35
20	Юкоричирчик Т.	215	40	6	8	12	14
21	Янгийул Т.	324	44	8	10	12	14
22	Янгийул Ш.	597	12	1	2	4	5
Жами				9 983	546	84	115
							157
							190

Т/Р	Филиаллар номи	Абонентлар сони	2023 йилда	ШУ ЖУМЛАДАН			
		01.01.2023 йил холатига	камраб олини режаси	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Канализация бүйінча							
1	Ангрен ш.	491	4	1	1	1	1
2	Бекобод т.	0	0	0	0	0	0
3	Бекобод ш.	325	12	2	2	3	5
4	Бўка т.	0	0	0	0	0	0
5	Бўстонлик т.	220	10	1	2	3	4
6	Зангиота т.	65	4	1	1	1	1
7	Қибрай т.	160	6	0	1	2	3
8	Қўйчиричик т.	0	0	0	0	0	0
9	Нурағшон ш.	11	6	1	2	0	3
10	Оккўргон т.	0	0	0	0	0	0
11	Олмалик ш.	739	22	3	5	7	7
12	Оҳангарон т.	0	0	0	0	0	0
13	Оҳангарон ш.	253	8	2	2	2	2
14	Паркент т.	119	12	2	3	3	4
15	Пискент т.	0	0	0	0	0	0
16	Тошкент т.	0	0	0	0	0	0
17	Ўртачиричик т.	0	0	0	0	0	0
18	Чиноз т.	0	0	0	0	0	0
19	Чирчик ш.	1 149	60	13	15	15	17
20	Юқориҷиричик т.	35	6	1	2	1	2
21	Янтийўл т.	92	12	2	3	3	4
22	Янгиёйл ш.	435	14	3	3	4	4
Жами		4 094	176	32	42	45	57

Абонентлар бўлими бошлиги

Ф.Кудратов

